

Бўлажак тадбиркорларда тадбиркорликка хос иқтисодий билимларни ривожлантириш

Рустамов Дилшоджон Шайдулло ўғли

Наманган мұхандислик-технология институти

“Иқтисодиёт” йўналиши талабаси

Аннотация: Мақолада мамлакат келажаги бўлган ёшларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш зарурияти, бу жараёнда уларни соҳага хос билим ва кўнималарни эгаллашлари масаласи ёритилган. Тадбиркорлик соҳасига хос билимларни эгаллашдаги айрим муаммолар кўрсатиб ўтилган ҳамда уларни бартараф этиш ва билимли ёшлар салмоғини ошириш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодий билимлар, хусусий мулкчилик, иқтисодий билимлар олиш, ёшлар, иқтисодий-ижтимоий тизим, иқтисодий ва ҳуқуқий таълим, иқтисодий саводхонлик, инновацион жараёнлар, инновацион педагогик технология, илмий-амалий анжуман, соҳанинг хусусиятлари

Кириш

Инсоният мавжуд бўлган жамият ва инсоннинг шу жамиятда яшашига сабаб бўлувчи турли хил ҳодиса-жараёнларга, жумладан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларига ургу бериш, туб моҳиятини англаш лозимdir. Жамиятнинг бу томонини иқтисодий билимлар ёрдамида иқтисодий фанлар орқали ўрганилади. Бунда ижтимоий-иктисодий тизимнинг умумий ва хусусий қонунларини билиш, ҳодиса-жараёнларнинг назарий ҳамда амалий тизимлаштириш, инсон учун зарур ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасидаги илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш – иқтисодий фанларнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг асосий кучи ҳисобланган ёшлар бўлиб, улар ижтимоий-иктисодий тизимда алоҳида харакатга келувчи қатлам ҳисобланади. Мамлакат келажаги уларнинг билимли бўлишига, етук кадр бўлиб етишишларига боғлиқдир. Демак ёшларда замонга хос бўлган билим ва кўнималарни шакллантириш ва ривожлантириш асосий масалалардан деб санаб ўтишимиз мумкин.

Бугунги ижтимоий-иктисодий тизимнинг ривожланишида хусусий

мулкчиликнинг сезиларли аҳамияти бўлиб, унинг негизида кичик тадбиркорликнинг янада ривожлантиришга боғлиқдир. Бу эса ёшларда иқтисодий билимлар олиш ва уни замон талабига монанд ривожлантиришни тақазо этади.

Бу борада президентимиз таъкидлаб ўтганлариdek: “Биз ёшларимизда тадбиркорлик ташаббусини ривожлантира олсак, уларга маблағлардан тўғри фойдалаишни ўргатсак, нафақат иқтисодий, балки кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳам хал этган бўламиз... Чунки: билимли авлод - буюк келажакнинг, тадбиркор халк - фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса - тараққиётнинг кафолатидир!”[1].

Бундан маълумки, ёшларда тадбиркорликка хос бўлган билим ва кўникмаларни ривожлантириш борасидаги муаммоларни бартараф этиш, уларни замон талабидаги кадрлар қилиб етишириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Асосий қисм

Ёшларни, талабаларни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги касбни асосли тарзда танлашда педагоглар, талабалар ва уларнинг бу жараёнга мақбул ёндашиш вазифасини қўяди. Бу жараёнда эса таълим-тарбия катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий билимларни бериш – бу ёшлар тушуна оладиган даражада иқтисодий фикрлаш(тафаккур), иқтисодий маҳоратни иқтисодий мақсадга боғланган равища шаклланиши, иқтисодий билимлар асосларини бериш орқали иқтисодий онг элементларини шакллантиришга йўналтирилган тартибланган педагогик фаолият сифатида тушунилган [2].

Шахснинг маърифат ва тарбия борасидаги билим даражасини орттириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида, ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширадиган педагогик жараёндир [6].

Иқтисодий билимлар бериш жараёнида иқтисодий-ижтимоий тизим ривожланиб борар экан, унда билим ва кўникманинг иқтисодий қирралари янада шаклланиб, янги тушунчалар ва уларнинг моҳиятлари янада кенгайиб замонавий тус олиб боради.

Тадқиқотчи олимлардан бири Ў.Д.Ражабовнинг фикрича, бу тадбирларни амалга оширишда бир қатор долзарб масалалар мавжуддир [5]. Олимнинг фикрига қўшилиб, уни тўлдирган ҳолда, қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин: тадбиркорлик малакасини ривожлантиришда биринчи навбатда иқтисодий фикрлаш, иқтисодий тушунчаларни шакллантиришни аввал оиласдан, энг содда малакалар ҳосил қилишдан бошлиш, сўнгра мактабгача таълим, кейинчалик олий таълим муассасаларида давом

эттириш узлуксизлигини мавжуд эмаслиги [10]; таълим жараёнида иқтисодий ва ҳуқуқий таълим бериши янада кучайтириш лозимлиги, ёшларни иқтисодий маданиятни мустаҳкамловчи турли тўгаракларни камлиги, улар ўргасида иқтисодий билимларни мустаҳкамловчи тадбирлар, мусобақа ва танловларни камлиги [9]; таълимда иқтисодий саводхонликни таъминловчи мотивацион, ақлий, иродавий ва амалий омилларни қўллашни оширишга эҳтиёжни мавжудлиги, айрим худудуларда инновацион технологиялардан фойдаланиш даражасини оширишни сустлиги [11]; жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини доимо янги иқтисодий, инновацион жараёнлар ва тушунчалар билан бойиб бориши, замонавий ахборот коммуникациялар фойдаланиш, замонавий инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш эҳтиёжининг юқорилиги [3;12] ва ҳаказо.

Ўзбек олимларидан Ж.Ҳасанбоев иқтисодий билимларни ривожланиши - ишлаб чиқаришнинг жамиятдаги тутган ўрни, ишлаб чиқариш воситалари ва иш қуролларининг моҳияти, улар орасидаги узвий алоқадорликни ўргатиш ва одамларда шу билимларга қўникма ҳосил қилиш деб таърифлайди [8].

Иқтисодий билим беришдан бош мақсад - ёшларда жамиятга, давлат ва ҳукумат органларига, жамоага бўлган иқтисодий муносабатлар тизимини уларда шакллантиришdir. Шунингдек, энг муҳими - бўлажак иқтисодчининг фуқаролик позицияси жамиятда, мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган барча воқеликларга дахлдордир.

Талабаларда тадбиркорликка оид иқтисодий тушунчаларни такомиллаштириш – бу шахсий хусусиятни ва иқтисодий фазилат (ишchanлик)ни шакллантирувчи педагогик жараёндир. Унга: иқтисодий тафаккур (фикрлаш), онг, қадрият, қобилият, эҳтиёж, қизиқиши, мотив, одатлар, компетенция, иқтисодий билиш кабилар алоқадордир. Шунингдек, иқтисодиёт соҳасига доир билимларни эгаллаш – амалдаги хўжалик механизмида ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларини ривожланиши, иқтисодиёт ва уни самарали ташкиллаштириш тушунчаларини ўзлаштиришда талабаларнинг иқтисодий онгини ривожлантиришга йўналтирилган комплекс олиб бориладиган педагогик фаолиятдир.

Талабаларда иқтисодиётга оид тушунчаларни бериш жараёни кўпроқ иқтисодиётнинг аниқ муаммолар муҳокамасига бағишлиланган илмий-амалий анжуманларда, маъruzаларда, сұхбатларда амалга ошади. Бу жараёнда корхона ва

ташкилот раҳбарлари, мутахассислар билан учрашув катта аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси талабаларни ўз касбий тушунчаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Талабаларда иқтисодиётга оид тушунчалар ва билимларни ривожлантириш орқали тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлар очиб берилади. Тадбиркорлик соҳасига оид муносабатлар иқтисодий муносабатларнинг ички боғлиқлигини кўрсатади, шунга кўра ўзгариб туради [7], унинг механизми элементларнинг яхлитлиги, унга таъсир этувчи усулларга боғлиқдир. Тадбиркорлик механизмини шаклланишнинг бир томондан назарий ёндашувлари, иккинчи томондан бу соҳанинг хусусиятлари тўғрисидаги билим, қўникма ва малакаларни шакллантириш олий таълимда амалга оширилади [4].

Иқтисодий билимларни ривожлантириш иқтисодий тафаккурни, ҳақиқий хўжайини мулкдорликни ҳис қилиши, қабул қилган қарорларини оқибатларини олдиндан кўра олиш, меҳнатга ва унинг натижаларига бўлган муносабатни иқтисодий асослай олиши, солик тўлашда ўзининг ҳуқуки ва мажбуриятларини, тутган мавқеини, меҳнатдан келадиган даромадларни оширишга мўлжалланган бўлиши лозим. Шунингдек яшаш сифатини яхшилашга интилиш, иқтисодий фаолиятни турли хил шаклларида иштирок қилишга тайёргарлиги, иқтисодий фаолиятга боғлиқ бўлган вазиятларда ахлоқий танловни, инқирозли вазиятларда иқтисодий қийинчиликларни енга олиш маҳорати, ўзини ва жамият қизиқишларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя механизмини самарали қўллай олиш қобилияти ва бошқа шу кабиларни шакллантиришни инобатга олиши лозим.

Хуроса ва таклифлар

Бизнинг фикримизча, ёшларда тадбиркорликка оид иқтисодий билим, қўникма ва малакаларни такомиллаштириш учун - давлат иқтисодиётини асосий йўналишларини ривожланиши шароитида, иқтисодий онг ва тафаккурни шаклланиши, танланган касбни самарали бошқара олиш хоҳишини шакллантириш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва ўқув, ҳамда шахсий вақтдан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш, унга хос қўникма ва малакани шакллантириш; шунингдек ҳар бир турдаги фаолият натижаси учун меҳнатга ҳақ тўлаш, иқтисодий ҳисобларни юритишда оддий қўникма ва малакаларни; тежамкорлик, ташаббускорлик, тартиблиликтини шакллантириш ва шу кабиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Шунингдек, бўлажак тадбикорларда соҳага хос билим ва кўникмаларни ривожлантириш учун қуидагиларни тавсия этамиз: амалиётда ишлаб чиқариш муносабатлари, самарали иқтисодиёт ва уни ташкиллаштирилиши тўғрисидаги умумлаштирилган тушунчалар, уларни ўзлаштириш жараёнида иқтисодий тушунчаларни шакллантиришга йўналтирилган фаолиятни таълим соҳаси билан комплекс олиб боришни ривожлантириш; олий таълим муассасалари талабаларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва унинг таркибий алоқадорлигига хос билим ва кўникмаларни такомиллаштириш; меҳнатга, аҳлоққа, ғояга ва сиёсий ёндашувга хос бўлган тарбиянинг умумлашувига эътиборни кучайтириш; тадбиркорликка хос бўлган замонавий иқтисодий билимни ўзлаштириш, уларни амалиётда қўллай билиш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантириш; кундалик ҳаётда керак бўладиган иқтисодий фикрлаш, билиш, хулқ, шахсий сифатларни шакллантириш; иқтисодий тафаккур, ижтимоий фаоллик, улдабуронлик, ишбилармонлик, новаторликни ривожлантириш ва бошқа шу кабилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фарвон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидағи маъруза. Тошкент. “Ўзбекистон” НМИУ.2019.-64 б.
2. Ахметшина, Г. К., Воробьев, И. В., Щукин, А. С. Экономическое воспитание учащихся: формы и методы. Казань, 2007, - 155 с.
3. Дедажанов Б.Н., & Эргашева Ф.И. (2021). РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ. Экономика и социум, (1-1 (80)), 543-549.
4. Ерошенко Е.П. Организационно-экономический механизм развития молодёжного предпринимательства на основе взаимодействия с партнерами университета. Дисс... канд.эконом.наук. Екатеринбург -2021.-206 с.
5. Ражабов Ў.Д. Иқтисодий таълимнинг иқтисодий тафаккурга таъсири. Замонавий таълим / Современное образование. 2017, 11. 11-15 б.
6. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. – 406-бет.

7. Улуғмурадова Н.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат муносабатларини такомиллаштиришнинг иқтисодий механизмлари. Иқтис.фан.бўй.фал.док. (PhD) дис. -Тошкент., 2020. -188 б.
8. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х.А., Алқаров И.Ш., Усманов Н.Ў. Педагогика. Т.: "Ношир". 2011. 179-б.
9. Эргашева, Ф. И. (2023). ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖОБИЙ МУХИТИНИ ШАКЛАНТИРИШ. SPAIN" PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH", 14(1).
10. Ergasheva, F. I. (2021). THEORETICAL FOUNDATIONS OF PROBLEMS AND SOLUTIONS FOR THE DEVELOPMENT OF ENTREPRENEURIAL SKILLS AMONG STUDENTS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(12), 55-60.
11. Ergasheva, Fotima (2019) "THE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENTREPRENEURSHIP QUALIFICATION," Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1: Iss. 2, Article 200. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/200>
12. Ibragimovna, F. E. (2019). Innovative technologies in the formation of students' entrepreneurial skills. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 8(8), 5-9.